O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT[illegible]
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 29 май сешанба

Сотувда эркин нархда № 104 (2666)

Ўзбек олимига жаҳон тан берди

Варшавада Альберт Швейцер номидаги Жаҳон тиббиёт академиясининг навбатдаги симпозиуми бўлди. «XXI асрга инсонпарварлик ва тинчлик ғоялари билан» шиори остида ўтган бу анжуманда дунёнинг 42 мамлакатидан олимлар қатнашди.

Улар орасида Жанубий Африкалик буюк жарроҳ, дунёда биринчи бўлиб инсон юрагини кўчириб ўтказган Кристиан Бернард, россиялик академик Евгений Чазов, руминиялик Мирча Иферим, япониялик Ючиро Мацура каби машҳур шифокорлар қаторида Бухоро давлат тиббиёт институти ректори, профессор Раҳмат Аҳмедов ҳам бор эди.

Анжуман ниҳоясида тиббиёт соҳасидаги хизматлари учун бир гуруҳ олимларга академиянинг олтин медаллари топширилди. Шуниси қувончлиқи, симпозиумда мазкур академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланган Р.Аҳмедов ҳам олтин медал билан мукофотланди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Маърифий-мафкуравий тарбия — барчамизнинг ишимиз

Маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари даражасига кўтариш масаласига муҳим аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Хотира ва қадрлаш куни бир гуруҳ ижодкорлар билан бўлган учрашувда ҳамда яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида бу борада ижодкор зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турганига эътиборимизни қаратган эди.

Миллий матбуот марказида ижодий уюшмалар, илм-фан, маданият ва маънавият, таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари, ёшлар ҳаракати фаоллари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида маърифий-мафкуравий тарбия ишларини янада такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ана шу вазифалар асосида ташкил этиш масаласига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва З.Ҳусниддинов истиқлол йилларида маърифий-мафкуравий соҳада кўпгина ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтишди. Хусусан, халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этган миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, уларни халқимиз, энг аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. "Миллий истиқлол ғояси" фани таълим тизимига жорий этилаётгани жамиятимиз тафаккурида туб янгиланишлар юз бераётганидан далолатдир.

Лекин бугун замон, давр, жаҳоннинг геополитик харитаси, минтақамиздаги мафкуравий жараёнлар тез ўзгармоқда. Турли ёвуз кучлар ва қабиҳ ниятли марказлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун турли усулларни ишга солмоқда. Ёшларимизга, келажагимизга таҳдид солиб турган бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун ижодкор зиёлилар, фан ва маданият намояндалари, бутун халқимиз қатъий кураш олиб бориши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Анжуман иштирокчилари бундай мураккаб шароитда бугунги сиёсатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Баҳс-мунозара руҳида ўтган анжуманда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан кампаниябозлик, хўжакўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол ғоясини обрўсизлантирмаслик, уни юксак маърифат билан, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.

Бинобарин, маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг мезони, аввало, халқимизнинг умид-ишончи ва таянчи бўлган ёшлар тарбияси, уларнинг ҳаётга, эл-юртга муносабатига ўтказадиган ҳаётбахш таъсири билан белгиланади.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия — бу ҳаёт-мамот масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни огоҳ этиш зарур.

Анжуманда замонавий қаҳрамон образини яратиш маърифий-мафкуравий ишнинг муҳим бир қисми эканига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан "Ижтимоий фикр" марказининг раҳбари Р.Убайдуллаева, Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий ходими Н.Умарова, Файласуфлар миллий жамияти раиси Қ.Назаров, шоир А.Суюн, филология фанлари доктори, профессор Н.Маҳмудов, кинорежиссёр Ю.Розиқов, Ўзбекистон халқ артисти М.Абдуқундузов, журналистлар Б.Ҳасанов, А.Ғуломов, ёш шоира, Зулфия мукофотининг совриндори Г.Асқарова, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг раиси муфтий А.Баҳромов, ёзувчи О.Мухторов маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларининг мамлакат жамоатчилигига мурожаати қабул қилинди.

(ЎзА).

Барчамиз бурчлимиз

Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларининг мамлакат жамоатчилигига мурожаати

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Бундан 10 йил муқаддам халқимизнинг асрий орзуси сифатида қўлга киритилган мустақиллик ўзлигимизни англаш, қадр-қимматимизни тиклаш, келажагимиз эгаси бўлган жондан азиз фарзандларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш имконини берди. Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш жамият ҳаётининг устувор мақсадига айланди.

Юртимизда таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани, замонавий лицей ва коллежлар бунёд этилаётгани, янги-янги олий ўқув юртлари очилаётгани, истеъдодли ёшларнинг хориждаги нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, халқимизнинг азалий орзу-интилишларини ўзида мужассам этган миллий истиқлол ғоясининг таълим тизимига жорий этилаётгани, мухтасар қилиб айтганда, навқирон авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани барчамизни қувонтирмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Биз ҳаётнинг маъно-моҳияти, умрнинг мазмунини юксак эътиқодли, теран билимли, оқил фарзандларимиз тимсолида кўрамиз. Фарзанд Оллоҳ таоло томонидан инсонга ато этилган энг азиз ва лазиз неъмат. Фарзанд - одамзод учун кўзнинг нури, ҳар бир ота-онанинг суянчи ва таянчидир. Бу фоний дунёдан ўтсак, ўрнимизни босадиган, чироғимизни ёқадиган ҳаётимиз давомчиси ҳам яхши умид билан ўстираётган ўғил-қизларимиздир.

Бинобарин, уларни ҳаёт сўқмоқларидан эсон-омон олиб ўтиш, шиддаткор замоннинг бўрону тўфонларидан ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик, террорчилик, гиёҳвандлик каби зарарли таъсир ва оқимлардан асраш, тўғри йўл кўрсатиш мана шу юрт эгаси бўлган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Айниқса, бутун дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш кескинлашган ҳозирги даврда бу борада бепарволикка, лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги ҳаёти, жумладан, бизнинг келажак тақдиримиз ҳам ана шу курашда қандай ғоя, қандай дунёқараш устун келишига боғлиқ.

Биз, мамлакат ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндалари, шуни назарда тутиб, Президентимизнинг доимо огоҳ бўлиш, маънавий-мафкуравий тарбия ишларини тўғри ташкил этиш борасидаги фикр-мулоҳазаларига асосланиб, юртимиздаги барча отаоналарга, меҳрибон опа-сингилларимизга, устоз-мураббийлар ва маҳалла фаолларига, бутун жамоатчиликка мурожаат қилмоқдамиз.

Биз мафкуравий жараёнлар, тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари ғоят муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги кунда жамиятимизда, юртдошларимиз, айниқса ёшлар ўртасида давлат сиёсатимизнинг моҳиятини, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлидаги олижаноб интилишларимизни, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу ғояларимизни ҳар тамонлама теран тушунтириб боришимиз зарур.

Бу биз - ёзувчи-шоирларнинг, илм-фан ва санъат аҳлининг, барча ижодкор зиёлиларнинг биринчи галдаги вазифамиздир. Шуни очиқ тан олишимиз керакки, яратилаётган кўп-кўп имкониятларга қарамай, биз мафкуравий кураш жараёнида, ёшлар тарбияси масаласида, бунёдкорлик ғояларини балиий тараннум этишда сусткашлик ва саёзликка йўл қўймоқдамиз. Сўзнинг сеҳридан, санъатнинг эстетик таъсир қучидан, кино ва телевиденининг катта имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз.

Афсуски, бугунги кунда мафкура, тарғибот ва ташвиқот керак эмас, деган нотўғри хулоса билан яшаётган одамлар ҳам учраб турибди. Бундай қарашларга нисбатан бизнинг муносабатимиз аниқ ва қатъий бўлмоғи лозим: биз бирёқлама, муайян сиёсий гуруҳ манфаатларинигина ифода этадиган коммунистик мафкурани, ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларини рад этамиз. Аммо биз халқнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, жамиятда тараққиёт, фаровонлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби олижаноб ғояларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган соғлом мафкура тарафдоримиз.

Ана шу ҳақиқатга асосланган ҳолда, мамлакатимизга турли ғоявий таъсирлар босим ўтказишга уринаётган ҳозирги бурилиш даврида ҳар бир юртдошимиз ўз-ўзига шундай кескин савол бериши керак: "Биз бутун инсоният, эркин дунё фаровон яшаётган йўлдан борамизми ёки алмисоқдан қолган эски тушунчаларга, маҳдудликка берилиб, ўз қобиғига ўралиб яшайдиган жаҳолат замонига қайтамизми? Эртага боламнинг тақдири нима бўлади, унга ким эгалик қилади? Қариган, қучдан қолган чоғимда у ёнимга кириб, мадад бўладими ёки қандайдир оқимлар таъсирида мендан тониб, оқладарлик билан мозоримни оёқости қиладими?"

Бугун масалани ана шундай кескин тарзда қўйиш вақти етди.

Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, бу ҳақиқатни чуқур англаб етмаган, ҳамон ғафлат уйқусидан уйғонмай, мудраб яшаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Шуни унутмайликки, ҳеч ким четдан келиб бизнинг бирор муаммомизни ҳал қилиб бермайди, фарзандларимизни тўғри йўлга бошламайди. Аксинча, бу жараёнга ташқаридан аралашадиганлар фақат ўзининг ёвуз ва ғаразли таъсирини ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Шунинг учун ўз фарзандларимизни фақат ўзимиз тарбия қилишимиз, уларнинг ёт кучлар таъсирига тушиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз даркор.

Ғаразли мақсадлар, ёвуз ниятларга эришиш учун зарарли ғоялар ва турли сиёсий марказларнинг катта маблағларига таянган иш кўрадиган бундай вайронкор кучлар ҳаётимизнинг энг нозик ҳалқаси - унибўсиб келаётган фарзандларимиз ҳаётига зарба бермоқчи. Турмушнинг аччиқ-чучугини кўрмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган, дунёқараши шаклланмаган, ҳали иродаси бўш ёшларимизни йўлдан уриб, тинчимизни бузмоқчи, ҳар бир уй, ҳар бир хонадонга диний адоват уруғини сочмоқчи.

Шунинг учун ҳам биз бугун тарбия масаласига улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтгандек, "Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир", деб қатъият билан қарашимиз керак.

Азиз юртдошлар!

Бугунги шиддатли давр ёш авлоддан замонавий билимлар, юксак технологияларни чуқур эгаллаган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ўз тарихи, аждодларининг бой мероси ва муқаддас анъаналарига садоқат билан яшашни талаб этмоқда. Инсоннинг ўз эл-юртига, оиласига, аждодлари руҳига садоқати айнан ҳозирги синов пайтларида билинади.

Шундай экан, ким ўтли сўзи, ким сеҳрли муйқалами, ким ўзи яратган, ёшларга ибрат бўладиган замонавий қаҳрамонлари билан - барчамиз кучғайратимизни, ҳаётий тажрибамизни, бор имкониятимизни маънавий-маърифий янгиланиш жараёнини янада кучайтиришга, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз тарбиясига сафарбар этишимиз лозим. Бу бизнинг нафақат ижодий, балки, аввало, инсоний бурчимиздир.

Биз — ижодкор зиёлилар, илм-фан намояндалари мамлакатимиз жамоатчилигини мана шу ҳақиқатларни чуқур англаган ҳолда, бугунги маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш йўлида янада фаол бўлишга чақирамиз. Токи кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимиз ҳар томонлама етук, билимдон, иймон-иродаси бақувват, ўз юртининг ҳақиқий фидоийси бўлиб камол топсин, биз бошлаган ижобий ишларнинг муносиб давомчилари бўлсин.

26 май куни
Тошкент шаҳрида қабул қилинган.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов бошқарди.

Кенгаш йиғилиши

Йиғилишда жорий йилда текширишларни мувофиқлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида" 1998 йил 29 ноябрдаги Фармони ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, амалга оширилган ишлар туфайли режадан ташқари текширувлар ўтказиш учун бериладиган рухсатномалар сони уч баравардан зиёд камайди ҳамда жорий йилнинг 1 чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан назорат органлари томонидан текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 1,6 баравар қисқарди. Назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширувлар самарадорлиги 12 фоизга кўпайди, йўл қўйилган тартиббузарликлар учун қиймати 3,2 миллиард сўмга тенг жарима чоралари қўлланди.

Айни пайтда Кенгаш шуни қайд этдики, режалаштиришдаги нуқсонлар туфайли айрим назорат органлари томонидан қонунчилик талабларига риоя этаётган хўжалик субъектлари текширувлари ҳамон режа-жадвалларга киритиб келинмоқда, бундай

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик инъом этган насиба

Сурхондарёликлар 1999 йил сабоғини ҳали-ҳали унутолмайдилар, ўшанда қарийб 100 минг гектар суғориладиган ернинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 15 центнердан ошмаган эди. 2000 йилда ҳам шартнома режалари деярли ҳамма туманларда бажарилмади.

Бироқ деҳқоннинг юзини ерга қаратган нарсани унинг уқувсизлиги ёки ишёқмаслигидан, деб бўлмасди. «Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига, ўзи яратаётган бойлик эгасига айланмас экан, унинг ишида самара бўлмайди» деб ҳаммамиз қайта-қайта гапирамиз, аммо қачон бу борада амалий ишларга ўтамиз? Қачон Сурхондарёда бу масалада ўзгариш бўлади?» Халқ депутаталари вилоят Кенгашининг 2000 йил март ойида бўлиб ўтган сессиясида ҳурматли Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтган бу гап вазиятга ойдинлик киритгандай бўлди.

Тўғриси, бу гап деҳқонга қувват, ерга унумдорлик бағишлади. Амаллорларда ҳам талабчанлик пайдо бўлди. Бир мисол. Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги пудратчиси, 30 ёшли Алишер Шоймардонов ғалла экаётганида Ангор тумани ҳокими Абдумалик Кўчкинов келиб қолди.

— Агар шу саккиз ярим гектар ердан олтмиш центнердан ҳосил олсанг, 16 тонна ғаллани, шартномадан зиёдасини тўғри уйингга олиб кетаверасан, — деди ҳоким.

— Бунақа гапларни кўп эшитганмиз, — деб жавоб қайтарди Алишернинг отаси Ўрол бобо. — Ўғлим болаличақали йигит. Уни алдаманг. «Хўжаликнинг, туманнинг режалари бажарилмаса бўлмайди», дейсизлар-у, охирги дона донни ҳам биздан олиб кетасизлар. Оғзимиз очилиб қолаверамиз.

— Олтмиш центнердан олинг-чи, кейин кўрамиз, — деди Кўчкинов.

— Албатта, олтмиш центнердан оламиз, — деди отасидан олдин Алишер.

... Алишер бу йил ғалласини биринчилар қатори ўриб-янчиб олди. Шартнома режасини ҳам бажарди. Ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил кўтарди. Оз эмас, кўп эмас 20 тонна буғдой ўзига қолди. Аввалари Алишер раҳбарман деганлар билан иши бўлмасди. Бугун бўлса... Кўчкинов кўзига тутишганига ўхшаб кўринади. Кўнглига чўккан губорлар тарқалгандай бўлаверади.

Қирқ йил колхозда бригадир бўлиб ишлаган, «беш йилликлар зарбдори» деб ном қозонгани билан қосаси оқармаган Ўрол аканинг хурсандчилигини айтмайсизми. — Ислоҳотнинг нималигини энди тушундим, у меҳнат қилиш дегани экан, — дейди фарзандлари Алишер, Илҳом ва Абдужалилларнинг меҳнатдан қочмасликларидан кўнгли чоғ бўлиб.

Қўшни далага ўтамиз. Бу ернинг пудратчиси Жуманазар Худойбердиев экан. Бошига ёзги шапкани қўндириб олган ёш йигит.

Бугун унинг ҳам кайфияти аъло! Етти гектар ердан 42 тонна ҳосил кўтаряпти. Ҳосилдорлик — 60 центнер! Ўзига текканд улуш эса 14 тонна!

Жарқўрғонга ҳам йўлимиз тушди. «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Саидаҳмад Асадуллаевнинг кўзларида қувонч ёнади: ишладик, лекин кеча-кундуз. Бугун, мана, 800 тонна ҳосил олдик. Қаровсиз, қумлоқ, қамишзор ердан яна.

Саидаҳмаднинг бу сўзлари менга Ангорда эшитганларимни эслатди. — Шўрчининг «Қораариқ» деган массивидан қайтдим, — деди қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишлайдиган бир танишим. — Бултур бир ярим центнердан ҳосил олинган 1988 гектар ердан бу йил 30 центнердан ҳосил олиптилар. Ҳар хонадонда — байрам! Ҳар бир дилда шукроналик. Раҳмат, сенга ислоҳот, мустақиллигимиз инъом этган ризқ-насиба деган қалом...

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Жарқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Омон Аҳадов ҳосил чўғидан мамнун.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТРЕНИНГ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги қарашларини бойитиш, халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил этиш Тошкентда бошланган "Жиноий ишлар бўйича суд жараёнларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро мезонлар" мавзуидаги ўқув машғулотининг бош мақсадидир.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган адвокат, прокурор, судя ва терговчилар учун мўлжалланган бу тўрт кунлик тренингда элликдан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертлар иштирок этмоқда. Тренинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва АҚШ ҳуқуқшуносларо уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Ўқув машғулотлари давомида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро ҳужжатлар ва уларнинг тарихи, халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрларнинг ўзаро боғлиқлиги, суд жараёни ва судланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жазога тортиш қонун-қоидалари каби мавзуларда маърузалар тингланади.

(ЎзА).

"Ватан ягонадир, Ватан биттадир" танловига

ЎЗБЕКНИНГ МАРДЛИГИ МАЪЛУМ АЗАЛДАН

Бунга тарих гувоҳ, еру осмон шоҳид. Қадимги муаррихларнинг дарахт пўстлоғи-ю тошларга ўйиб ёзган битиклари далил. Паҳлавон Маҳмуд, Тўмарису Широқ, Жалолиддин Мангуберди ёхуд Амир Темурнинг қаҳрамонликлари мисол. Улар эрк учун курашдилар. Озодлик қўшиғининг абадий янграб туриши учун жон қуйдирдилар. Юртни тинч ва даҳлсиз кўриш, Ватан равнақи ва фаровонлигини таъминлаш олий мақсади эди уларнинг. Мард элимнинг шонли ўтмиши, ёруғ юлдузларидир бу сиймолар. Ўзбегимни буюк келажакка бошлаётган бугунги қаҳрамонлар шу юлдузларнинг ёлқинидан куч олаётган бўлса не ажаб.

Қарийб ўн йилдирки, ана шу йўлдан собитқадам бормоқдамиз. Бир қарашда ҳаммаси силлиқ кечаётгандек. Мустақилликка эришиш учун ҳеч қандай қаҳрамонлик талаб этилмади гўё. Аслида-чи? Аслида халқни ҳеч қандай талофатсиз ҳуррият-га олиб чиқишнинг ўзи энг катта қаҳрамонлик.

Хўш, ЭРК, МУСТАҚИЛЛИК ўзи нима? Мен уни қандай тушунаман? Дўстимчи? Қўшнимчи?

Кексаларнинг маслаҳатини олсанг кам бўлмайсан, дегувчи эди бувам раҳматлик. Қари билганни пари билмайди, деб бежиз айтишмаган. Ўлмас ота Машарипов ана шундай нуронийлардан бири. Инсон умрининг етмиш икки баҳорини кўрган отахон ҳаёт аталмиш катта саҳнада турли "томоша"-ларни бошидан кечирган бўлиши табиий. У кишининг хотираларига бир қулоқ тутайлиг-а.

— Болам, эскидан қолган одатимиз бор. Бир жойга борганимизда, аввал, дуои фотиҳа қиламиз, ўтганларни хотирлаймиз. Бу жуда улуғ одат. Сиз мустақиллик нима, деб сўраяпсиз. Мен айтган бўлардим, чинакам мустақиллик бу — давлат сиёсатининг халқ иродасига, хоҳиш-истагига мос келиши. Бизда шундай бўляптими? Албатта-да. Хотирлаш улуғ қадрият дедик. Мана, Президент Фармони билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида жорий этилди. Илгари-чи? Шу куни ҳарбий техникаларни гумбурлатиб намойиш қилардик. Ура-ура деб бақирардик. Иродамизга қарши ишни бажарармидик, демак, биз тобе эдик.

Янгийўлда ҳам бу йил Хотира майдони қурилди. Шунчалар гўзал. Юртбошимиз ҳам эътироф этдилар буни. Қадам қўйишингиз билан бошингиз эгилади. Аждодлар руҳи олдида таъзим қиласиз.

Гапимиз ўз-ўзидан эътиқодга келиб тақалди. Бу билан нима демоқчиман? Энди бирор ишни бисмилло деб бошласак ҳеч ким оғзимизга урмайди. Яқин қариндошимизнинг жанозасига яширинча бормаймиз энди. Беш вақт намоз ўқийман, Ҳажга бораман десангиз марҳамат. Мана, сизга мустақиллик шарофати.

Қаранг, яхшилик ҳақида сўзлайман десангиз гапдан-гап чиқаверади. Ҳаж зиёратини олинг. Советлар бунга тиштирноғи билан қарши эди. Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти эса зиёратчиларга қанчадан-қанча шароиту имтиёзлар яратяпти. Мен ҳам бу имконлардан фойдаланиб, мўминлик фарзимни адо қилиб келганимдан чексиз фахрданман.

Мустақиллик нима, деб сўрайсиз болам. Ейдиган нонимиз у. Гапимга ҳайрон бўлманг. Ростдан ҳам шундай.

Нонни азиз тутамиз, тўғрими!? Ушоғи ерга тушганини кўрсак, олиб кўзимизга суртамиз. Мустақиллик ҳам ана шундай тўтиё қиладиган улуғ неъмат. Мустақилликни қўлга киритиш учун неча йиллар керак бўлди. Яхшиямки, Аллоҳнинг иноятн билан бизга мард Юртбоши насиб этди. Унинг мардлиги шундаки, атрофидаги тиғларнинг қанчалик ўткирлигидан чўчимасдан халқни ҳурриятга бошлаб чиқа олди. Сиз ёшларга балки галати туюлар. Лекин мен билган ҳақиқат шуки, "Марказ"нинг чизган чизиғидан чиқиш — ўз бошини кундага қўйиш билан баробар эди...

Истиқлол деганда нимани тушунасиз, деб сўрайсиз болам. Мен уни нафақат яхши тушунаман, балки қўл билан тутиб бўлмас шу неъматни ақл кўзим билан кўра оламан. Чунки мен икки хил тузумда яшаб кўриб, ўзига хос тажрибадан ўтганман десам ҳам бўлади, ўғлим. Бир замонлар бўлди, ким нима деса шуни қилдик. Буйруқбозлик даври деб аташди уни кейинчалик. Энди астойдил ишга киришганингда аксинча кўрсатма келади. Ишлаб чиқарган маҳсулотимизнинг тақдири билан қизиқишга кўрқардик. Бойликларимизни ким қаёққа ташиб кетмади дейсиз. Ҳозирчи? Охирги ўн йил ичида шундай ўзгаришлар бўлдики, кўриб кўзингиз қувнайди. Яратилаётган шароитнинг зўрлигидан ишлаган сайин ишлагинг келади. Бўлмасам мен пенсия ёшиданман. Қарилик гаштини суриб ўйда ўтирсам ҳам ҳеч ким уришмайди. Лекин билагимда кучим, белимда қувватим бор экан, нима қиламан уйда ўтириб. Ундан кўра Ватан равнақига баҳоли қудрат ҳиссамни қўшганим яхши-ку.

Баъзан айрим ёшлардан эшитиб қоламан: мустақиллик бизга нима берди?

Мустақиллик инъом қилган неъматларни-ку ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Шундай эсада бундай ўйлаш нотўғри. Аксинча, мен мустақилликка, Ватанга нима бердим, деб савол беришимиз керак ўзимизга-ўзимиз. Масалан, мен ва мен раҳбарлик қилаётган нон корхонаси Ватан учун нима берди?

Камтарлик бўлмаса ҳам айтай: бир раҳбар сифатида корхонанинг оёққа туришига бошчилик қилдим. Кучни бир муштга тўплаб ишлатганимиз натижасида 2000 йилни 8 миллион 400 минг сўм соф фойда билан якунладик. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 4 миллион сўмдан ошди. Ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий қувватининг ошиши пировардида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига хизмат қилади. Ўтган йилги соф фойда ҳисобидан 7 миллион 800 минг сўмлик қурилиш ишлари бажардик. Натижада ишчилар маънавият ва маърифат, дам олиш хонаси, шинам ошхона, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт хонасига эга бўлишди. Республикамизнинг турли гўшаларидаги қадамжоларга корхона ҳисобидан зиёратга боришди. Мана, сизга эркинлик?!

Мустақиллик нима, деб сўрайсиз болам. Сизга ўхшаган 11 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Улар қандай мактабда ўқиди, қандай шароитда яшагани билан бугун ёшларга очилган имконларни солиштириб кўринг. Академик лицейлару коллежларга қаранг. Шулар мустақиллик шарофати эмасми?

Бизга яқин хориж бўлган Амударёнинг нариги қирғоғида маданий ёдгорликни портлатиб ётишибди. Ўзбекистонда театрлар қайтадан, замонавий қилиб қурилаяпти. Яқинда телевизорда кўриб қолдим. Тошкентнинг марказида консерваториянинг янги биноси барпо этилаяпти экан. Эртани ўйлаб қилинаётган бу эзгу ишлар нималигини шарофати экани ҳаммага маълум-ку.

Ашаддий футбол мухлисларидан бири менман. Агар мустақилликка эришмаганимизда Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида қатнашармиди!? Муҳаммадқодирдек ўғлимиз ҳу-ў океанлар ортидаги давлатда ўзбекнинг байроғини, зарбоп тўнини намойиш қилармиди!?

Мустақиллик нима, деб сўрайсиз болам. Мустақиллик бу — инсон. Озод ва эркин яшашга ҳақли одам. Мустақиллик бу — мардлик. Мард киши тобеликка бўйин эгмайди, мустақилликка интилади. Унга эришади ҳам, ҳимоя ҳам қилади. Ўзбекнинг ана шундайлиги азалдан маълум.

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

COSCOM — 5 ёшда

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида GSM тармоқлари операторлари Россия Уюшмаси кенгашининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш "COSCOM" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг Ўзбекистондаги биринчи GSM оператори фаолият кўрсата бошлаганига беш йил тўлиши муносабати билан ўтказилди.

Йиғилиш иштирокчилари уюшма фаолиятининг кундалик масалаларини кўриб чиқди ва COSCOMнинг корпоратив мижозлари билан ишлаш тажрибаси билан танишишди. Бугунги кунда Тошкентда жойлашган 16 дипломатик миссия унинг хизматидан корпоратив мижозлар сифатида фойдаланаётир.

Йиғилишдан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда COSCOMнинг Бош директори Алексей Степанов компания фаолияти ва келгуси режалари ҳақида сўзлаб берди.

Ўтган йили COSCOM Ўзбекистон бозорида фаолият юритаётган GSMнинг барча уяли алоқа компанияларига нисбатан тез суръатда ривожланди. Бугун компаниянинг мобил уяли алоқа тармоғи республика ҳудудининг 80 фоизини қамраб олган, абонентлар сони эса 25 мингтадан ошиб кетди. Беш йил давомида COSCOMнинг Америка томонидан таъсисчиси — МСТ корпорацияси республика иқтисодиётига 17 миллион АҚШ доллари қийматида сармоя киритди, — деб маълум қилди матбуот анжуманида МСТнинг бош ижрочи директори Рик Синей. Шунингдек, у келгусида сармоялар ҳажми ўсишини қайд этди.

(ЎзА).

Мустақиллик иншоотлари

Навоий аэропорти янги қиёфа касб этди

Ҳар бир шаҳар ҳаётида аэропортнинг аҳамияти катталиги маълум. Тезкор техника тараққиёти бундай масканларни қайта таъмирлаш, бугунги кун талабига мослаштиришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Навоий шаҳар аэропорти янгича кўрк ва салобатга эга бўлди.

Аэропортдаги энг муҳим бўғин — бу учиш-қўниш йўлакларидир. Уларнинг бардошлилиги самолётларнинг қўниш кучидаги оғирликдан ҳам анча юқори бўлиши шарт. Бунинг учун, аввало, қанчадан-қанча тупроқ ишлари бажарилиши, жуда катта миқдорда шағал тўкилиб, оғир куч билан шиббаланишини кўз олдингизга келтиринг-а! Бунинг устига, учиш йўлакларидаги юмушлар ҳам бисёр эди. Навоий қурилиш бошқармаси бинокорлари ана шу жараёнларни талаб даражасида уддаладилар. Роят қисқа муддатда қарийб 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж юмушлари адо этилди.

Учиш-қўниш йўлакларидан тортиб, аэропортдаги бошқа барча техник қурилмалар германиялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётир. Айни пайтда «Сименс» фирмаси билан тузилган шартномага асосан, 1.300.000 АҚШ доллари миқдорида жаҳон андозаларига мос жиҳозлар, кучли ёритгичлар келтирилиб ўрнатилмоқда.

— Шаҳар аэропортдан бошланади, — дейди аэропорт бошлиғи Шавкат Қозоқов. —Бу ерга келган ҳар бир меҳмон, даставвал, шу иншоотнинг қурилиши-ю, яратилган шарт-шароит билан танишади. Ўз таассуроти асосида ҳали ўзи бормаган жойга ҳам баҳо беради. Аэропорт унга қанчалик яхши кайфият бахш этса, шаҳар шунчалик ёқади. Қайта таъмирланган аэровокзал гўзал шаҳримиз қиёфасига мослашди. Эндиликда соатига 200 кишини кутиб олиш ва жўнатишимиз мумкин. Режадан ташқари чартер рейсларини ҳам ташкил этмоқчимиз.

Шавкат ака ҳақ гапни айтди. Биз аэровокзалдаги ўзгаришларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Кенг ва ёруғ зал, ундаги замонавий жиҳозлар дарҳол диққатни тортади. Чипта олиш, юкларни жойлаштириш, рўйхатдан ўтишда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келинмайди. «Оналар ва болалар», «Маънавият ва маърифат» хоналари, тиббиёт пункти, умумий овқатланиш шохобчалари жуда шинам. Газета-журнал, гул, китоб, савдо дўконлари ҳам ўз ўрнини топган. Йўловчиларга ахборот бериш хизматига алоҳида эътибор берилганлиги кўриниб турибди.

Аэровокзал ҳудудини яна яшил оролчага қиёслаш мумкин. Анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар киши баҳри-дилини очади. Умуман, аэропортнинг маҳобатли биносини кўздан кечирар экансиз, у бундан роппа-роса 40 йил бурун бийдай яйдоқ чўл ўрнида қад ростлаганига ишонгингиз келмайди.

Эндиликда аэропорт қудратли, самолётларни қабул қилиш имкониятига эга. Мамлакатимиз бўйлаб парвоз қилаётган «RJ-85», «ЯК-40», «АН-24» каби ҳаво кемалари мустақилликнинг 10 йиллиги байрами арафасида Навоийга ҳам қатнай бошлайди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида Президент Ислом Каримов эндиликда ҳар қандай давлатнинг келажагини унинг ақлий салоҳияти белгилашини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари Ҳиндистон бу йўналишда сезиларли муваффақиятларга эришаётганини айтиб ўтди. Ҳиндистоннинг қандай қилиб бундай ютуқларга эришаётгани юртдошларимизнинг кўпчилигини қизиқтираётган бўлса, ажаб эмас.

ҲИНДИСТОН КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН БОЙИМОҚДА

Мамлакатда фан-техника, юқори технология соҳаларида ишловчи мутахассисларни кўпайтириш мақсадида охирги ўн йил ичида Деҳли, Бомбай, Калкутта, Бангалор каби ўнга яқин йирик шаҳарда технология институтлари ташкил этилди. Улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, маблағ билан таъминланди. Дарс бериш учун чет элдан мутахассислар жалб этилди. Ҳозир бу институтлар мамлакатга йилига минглаб компьютер муҳандислари ва дастурчилар етказиб бериб, юқори технологиялар соҳасида ишловчиларни етиштирувчи асосий манбаъга айланди.

Охирги ўн йил ичида дунёда компьютер технологияси юқори суръат билан ривожланди. Шу билан бирга, компьютер дастурлари маҳсулотларига талаб ҳам ортди. Натижада дастурлаш соҳасида кўплаб тайёр кадрларга эга бўлган Ҳиндистоннинг фирма ва компаниялари дунёнинг кўплаб мамлакатларидан янги дастурлар ёки уларнинг қисмлари учун буюртмалар ола бошлади. Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, ўтган йили Ҳиндистон 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида дастурлаш маҳсулотлари экспорт қилди. Бу йил кўзланаётган марра 6,2, келаси йилги эса 9,5 миллиард доллар атрофида.

Бутун бу даромадлар Ҳиндистон раҳбариятининг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратгани ва ушбу соҳани ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак берганидандир. Дастурлаш саноати бошқа соҳаларга қўйиладиган турли импорт ва экспорт божларидан озод қилинган. Ҳозирги кунда Ҳиндистон дастурлаш маҳсулотлари экспорти бўйича ривожланган мамлакатларни ҳам ортда қолдириб, фақат АҚШдан кейин иккинчи ўринда турибди. Дастурлаш маҳсулотларининг асосий қисмини ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШнинг "Майкрософт" ва Канаданинг "Нортел Нетуоркс" каби компаниялари сотиб олмоқда.

Дастурлаш саноати Ҳиндистонга катта валюта оқими билан бирга, минглаб мутахассисларни яхши тўланадиган иш билан таъминламоқда. Мамлакатга кириб келаётган чет эл сармоясининг салмоқли қисми ҳам дастурлаш соҳасига йўналтирилган. Чет эл компаниялари учун янги дастурларни Ҳиндистонда ёздириш арзон тушмоқда.

Ҳиндистон ҳукумати янги технологияларни иқтисодни ривожлантиришнинг "локомотиви"га айлантирмоқчи эди. Бунга у қисман муваффақ бўлди ҳам. Диққатга сазовор жойи шуки, ўн йил олдин умуман мавжуд бўлмаган тармоқ ҳозир Ҳиндистон учун энг кўп хорижий валюта келтирадиган соҳалардан бирига айланди.

Ҳиндистоннинг компьютер технологияларини ривожлантириш борасидаги тажрибаси эътиборга лойиқ. Ҳеч шубҳасиз, бу соҳа янада ривожланиб инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб боради. Ўзбекистонда ҳам шу соҳани яхши тушунадиган етук мутахассислар тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"-нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда компьютер технологиялари соҳасининг янада ривожланишига кенг имкониятлар очади. Бу улкан хайрли ишларнинг бошланишидан далолат.

Элмурод ЮНУСОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Украина медали топширилди

Украин халқи иккинчи жаҳон уруши даврида жуда катта талофат кўрди. Шиддатли жанглар туфайли шаҳар ва қишлоқлар қултепага айланди. Мамлакатни босқинчилардан озод қилишда эса украинлар билан ёнма-ён юзлаб миллат вакиллари ўзларининг ширин жонларини аямаган эди. Шундай мард ва жасур жангчилар орасида ўзбек йигитлари ҳам кўп бўлган. Буни украин халқи ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Биргина Киев шаҳрини озод қилишда 27 нафар ўзбекистонлик аскар ва зобит Қаҳрамон унвони билан тақдирланган эди. Ана шу қаҳрамонлардан бири Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғида истиқомат қилувчи Абдулла Қурбоновдир. А.Қурбонов урушга жўнаганида эндигина 16 ёшга тўлган эди. 1943 йилда 18 ёшли йигитча Киев шаҳрини фашистлардан озод қилиб, Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган мардлик ва жасорати учун қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган эди.

Яқинда Киев шаҳри озод этилганлигининг 55 йиллиги муносабати билан Украина Президенти Л.Кучма барча уруш қаҳрамонлари ва фахрийларини "Ватан ҳимоячиси" медали билан мукофотлаш тўғрисида фармон берди. Ушбу ҳужжатда ниёзбошилик қаҳрамон А.Қурбоновнинг номи ҳам зикр этилганди. Шу муносабат билан Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳарбий атташеси полковник С.Петрушко, Киев шаҳрининг Тошкентдаги ваколатхонаси ижрочи директори С.Фефелов, "Нуроний" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Н.Насимов қаҳрамон хонадонида бўлиб, унга Украинанинг "Ватан ҳимоячиси" медалини топширди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.
Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Кенгаш йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

текширувлар мобайнида ишлаб чиқилган мезонларга риоя этилмаслиги боис субъектлар фаолияти чуқур таҳлил қилинмаяпти. Оқибатда назорат кутилган самараларни бермаяпти. Айниқса, тижорат банклари, Ер ресурслари давлат қўмитаси, "Ўзавтодарётранс" агентлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширувлар самарадорлиги ниҳоятда паст. Ҳудудий комиссиялар қошидаги "Ишонч телефонлари" ходимларининг иши ниҳоятда самарасиз, деб топилди. Кенгаш томонидан бу борадаги ишларни яхшилаш ҳақида тегишли топшириқлар берилди.

Кенгашда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машиналар ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда шартномавий мажбуриятлар ижросини назорат қилиш бўйича давлат бош инспекциялари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солишга доир қонунчиликка амал қилинишини таъминлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан инспекциялар бошлиқлари Х.Болтабоев ва М.Қўшбоев ҳисоботи, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиевнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама жараёнида мазкур инспекциялар раҳбарлари томонидан ҳудудий тузилмалар ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ишлари олиб борилмаётгани таъкидланди. Натижада инспекциялар бўлинмалари томонидан қонунчилик ва текширувлар ўтказиш тартибини бузиш ҳоллари рўй бермоқда, текширувлар рухсатсиз ва белгиланмаган муддатларда ўтказилмоқда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари мавжуд. Ушбу инспекциялар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилаётган текширувлар самарадорлиги паст.

Кенгаш мазкур инспекциялар фаолиятини қониқарсиз, деб топди ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига инспекциялар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини таҳлил этиш, улар раҳбарларининг зиммасига юкланган вазифалар бўйича масъуллигини кўриб чиқиш ҳамда мазкур масалани жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича коллегия йиғилишида муҳокама қилиш вазифасини топширди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Енгиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи Ю.Қосимов ва Ички ишлар вазири ўринбосари Б.Парпиевнинг ўтказилаётган текширувлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги ахбороти тингланди. Қайд этилдики, кўрилаётган чораларга қарамай Давлат ёнғин назорат бўлими ва унинг бўлинмалари фаолиятида камчилик ва тартиббузарликларга йўл қўйилмоқда. Қатор бўлинмаларда текширишларни мувофиқлаштириш бўйича масъул шахслар тайинланмаган, уларни бажаришга доир буйруқлар расмийлаштирилмаган, ишни режалаштиришда камчиликлар мавжуд. Ўтказилган мониторинг натижасида 1600 та рухсатсиз текширувлар ўтказилгани аниқланди. Биринчи чоракда ўтказилган текширувлар самарадорлиги ўтган йилгига нисбатан 10 фоизга камайди. Қатор ҳудудларда Давлат ёнғин назорат бўлинмалари томонидан режалаштирилган текширувлар амалга оширилмаган. Давлат ёнғин назорат бўлими ходимларининг текширишлар натижаларига кўра киритган таклифлари тўлиқ бажарилмаяпти, улар қонунчилик билан ўзларига берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланмаяпти. Натижада республикада ёнғинлар сони камаймаяпти, улардан кўрилаётган зарар кўпайиб бормоқда.

Кенгаш Бошқарма томонидан мазкур масалани ўрганиш натижалари бўйича айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, бу борадаги ишларни тартибга солиш чоралари кўрилганини эътиборга олди. Ўзбекистон Республикаси ИИВга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширувчи бўлинмалар иши самарадорлиги устидан назоратни кучайтириш, даврий равишда улар раҳбарларининг ҳисоботини тинглаб бориш таклиф этилди.

Текширишларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Президент Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди.

Кимни сайладингиз?

Ўттиз беш ёшли оқсоқол

Ҳа, Сергели туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини сайловчилар вакиллари ўттиз беш ёшли муҳандис Зокиржон Абдужабборовни оқсоқол этиб сайладилар. Ўша куни маҳалла ҳудудидаги 317-ўрта мактаб зали кеч соат еттида сайловчиларнинг вакиллари билан гавжум бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган ишчи гуруҳи раисининг берган маълумотларига қараганда, маҳалла оқсоқоллигига дастлаб тўртта номзод кўрсатилган. Шундан учтаси кейинчалик ўз розилиги билан номзодини олган. Сайлов куни маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллигига ўттиз беш ёшли Зокиржоннинг номзоди кўрсатилган. Дастлаб маҳалла раиси ўтган даврдаги фаолияти хусусида ҳисобот берди. Ундан сўнг музокаралар бошланди. Ҳамма ўз фикрини айтди. Камчиликлар ва муаммолар ҳам назардан четда қолмади. Сайловчиларнинг вакилларидан бири амалдаги раисга, ҳатто, «Сиз нега номзодингизни қўймадингиз?» деган саволни ҳам бериб кўрди. Раис бошқа ишга ўтгани, иккаласини биргаликда олиб бориши учун қийналаётганини айтди. Сайловчиларнинг вакилларига ўзига ишонч билдиришгани, шаънига илиқ гаплар айтишгани учун миннатдорчилик билдирди. Маҳалла оқсоқолининг бир ярим йиллик фаолияти қониқарли баҳоланди.

Янги оқсоқолни сайлаш жараёни анча баҳсли ва ошкора ўтди. Кимдир ҳали ёшлик қилмасмикин, деди. Яна биров, невара кўрмаган, тўй-ҳашамлар ўтказмаган киши қандай қилиб бизга бошчилик қилиши мумкин, деган гапни ҳам айтди. Бошқа бировлар эса, бизга ёшининг аҳамияти йўқ, ҳалол ва ташкилотчи бўлса, маҳалланти ўзининг орқасидан эргаштира олса бўлди, энг муҳими, шу дейишди. «Аввал овоз берайлик, сайланмаса яна бошқа номзодни кўрсатишимиз учун имкониятимиз бор», деган таклиф ҳам эътибордан четда қолмади. Баҳс-мунозаралардан кейин Зокиржон Абдужабборовнинг номзоди овозга қўйилди. Ва у кўпчилик овоз билан маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллигига сайланди.

Сайлов жараёнини кузатиб, кўнглим анча кўтарилди. Энг аввало, фуқароларимиз маҳалла ва унинг ишига аввалгидан фарқли ўлароқ бефарқ эмас. Иккинчидан, уларнинг ҳуқуқий савияси ва фаоллигини ҳам унчалик паст, деб бўлмас экан, учинчидан сайловчиларнинг вакиллари вакиллик ваколатини ўрнига қўя олдилар. Энг муҳими кўнгилларида нима гап бўлса, ҳаммасини айтдилар — чўчиб, истиҳола қилиб ўтиришмади. Мен эса уларни кузатиб, «ижтимоий-сиёсий фаоллик», деганлари шу эмасмикан, деган хаёлга бордим. Ва ўттиз беш ёшли оқсоқолнинг қўлини қисиб, қўллаб-қувватладим.

Исмат ХУДОЁРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ҚАРОРИ

"Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2001 йил 1 августдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 11 май.

16

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида

«Халқ сўзи» — «Народное слово»

2001 йил

Кирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

зарда тутилмаган бўлса;

махсус юклар ва ҳарбий таркиблардан фойдаланиш мақсади улар бориши тайинланган давлатда инсон ҳуқуқлари бузилиши, давлат ичкарисидаги ёки халқаро қўламдаги беқарорлик кучайиши билан боғлиқ бўлса ёхуд махсус юк Ўзбекистон Республикаси учун номақбул шартларда бошқа манзилга йўлланиши ёки реэкспорт қилиниши хавфи бўлса;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити Ўзбекистон Республикаси манфаатларига ёки хавфсизлигига таҳдид солса;

махсус юклар транзити одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга хавф туғдириши, шунингдек моддий бойликларга шикаст етказиши ёки уларни йўқ қилиб юбориши мумкин бўлса;

тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса.

Транзит рухсатномалари бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин.

10-модда. Транзит рухсатномасини бекор қилиш

Транзит рухсатномаси уни берган орган томонидан бекор қилиниши мумкин.

Транзит рухсатномасини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

транзит рухсатномаси эгасининг махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини амалга оширишдан воз кечганлиги;

транзит рухсатномаси уни бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тўла бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар асосида берилганлиги;

транзит рухсатномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш вақтида маълум бўлмаган, лекин уни беришни рад қилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган транзит тартиби бузилганлиги.

Транзит рухсатномаси бекор қилинган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, транзит рухсатномасининг эгаси олиб кирилган махсус юклар ва ҳарбий таркибларни транзит амалга оширилган давлат ҳудудига қайтарилишини ўз ҳисобидан таъминлайди.

11-модда. Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати

Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати кўпи билан ўттиз кунни ташкил қилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити рухсатномада кўрсатилган муддатда тугалланиши лозим. Транзит рухсатномаси эгасининг асослантирилган илтимосномасига кўра рухсатноманинг амал қилиш муддати бир марта, кўпи билан ўттиз кунлик даврга узайтирилиши мумкин.

12-модда. Транспорт воситалари ўтадиган йўналишлар

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити транзит рухсатномасида белгиланган йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити амалга ошириладиган Ўзбекистон Республика-

8

9

Буклаш чизиғи

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига йўл қўйилмайди.

Махсус юкларни қонун ҳужжатларига мувофиқ товарлари чиқарилиши мумкин бўлмаган мамлакатдан чиқарилган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда божхона органи уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишни рад этиши мумкин.

19-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш

Ваколатли органлар махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, шу жумладан ахборот айирбошлаш орқали ҳамкорлик қиладилар.

Махсус юкнинг эгаси ёки талабнома берувчи махсус юклардан оммавий қирғин қуролини ёки оддий қурол-яроғларни яратиш ёки ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилиши мумкин деб ҳисоблашга асос бўладиган ахборотга эга бўлса, у бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиши шарт.

Махсус юкнинг эгаси ҳамда ҳарбий таркибларнинг кимга тегишлилиги тўғрисидаги улар транзити билан боғлиқ ахборот қуйидаги ҳолларда ошкор қилиниши мумкин:

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини назорат қилиш мақсадида ваколатли органлар ўртасида ахборотдан фойдаланилганда ёки уни айирбошланганда;

ахборотдан дастлабки терговда ёки суд иш юритишида ёхуд суд қарорларини ижро этишда фойдаланиш мақсади улар бориши тайинланган давлатда инсон ҳуқуқлари бузилиши, давлат ичкарисидаги ёки халқаро қўламдаги беқарорлик кучайиши билан боғлиқ бўлса ёхуд махсус юк Ўзбекистон Республикаси учун номақбул шартларда бошқа манзилга йўлланиши ёки реэкспорт қилиниши хавфи бўлса;

14

транзит рухсатномаси — махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

транзит рухсатномасининг эгаси — махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига рухсатнома олган шахс;

хавфли юклар — ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлгани тақдирда ташиш, юк ортиш-тушириш ишлари жараёнида ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бино ва иншоотлар, бошқа объектларнинг портлаши, ёниши ёки шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар, чиқиндилар;

қурол-яроғ ва ҳарбий техника — қуролли кучларни қуроллантиришга мўлжалланган турли хил қуролларнинг ва уларни жанговар қўллашни таъминловчи воситаларнинг мажмуалари, шу жумладан элтиб қўйиш воситалари, мўлжалга олиш, учириш, бошқариш тизимлари, шунингдек бошқа махсус техника воситалари, ўқ-дорилар ва уларнинг таркибий қисмлари, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва уларнинг бутловчи буюмлари, машқ қуроллари (турли хил қурол-яроғ ва ҳарбий техника макетлари, тренажёрлари ва имитаторлари);

ҳарбий мол-мулк — қуролли кучларнинг шахсий таркиби турмуш фаолиятини таъминлаш тизимлари, махсус мақсаддаги материаллар ва уларни ишлаб чиқариш учун махсус ускуналар, оммавий қирғин қуролидан умумий ва якка тартибда ҳимоялаловчи махсус тузилма ташкил этиши мумкин;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади):

транзит рухсатномасини бериш тўғрисида хулосалар тақдим этади;

талабнома берувчининг юки транзит тарзида ташилаётганида у давлат назоратида бўлмаслиги ҳақида хулосалар беради;

транзит рухсатномаларининг шартлари бажарилиши устидан назорат қилади;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити пайтида улар жойлаштирилган жойларни, транзит шарт-шароитлари ҳамда ҳолатини мунтазам ва танлаб текширувдан ўтказишга, шунингдек белгиланган тартибни бузиб амалга ошириладиган транзитни тўхтатиб туришга ҳақли;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Транзит рухсатномаси

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бериладиган транзит рухсатномаси асосида амалга оширилади.

Транзит рухсатномасини олиш учун талабнома берувчи транзит рухсатномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш вақтида маълум бўлмаган, лекин уни беришни рад қилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган транзит тартиби бузилганлиги.

Транзит рухсатномаси бекор қилинган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, транзит рухсатномасининг эгаси олиб кирилган махсус юклар ва ҳарбий таркибларни транзит амалга оширилган давлат ҳудудига қайтарилишини ўз ҳисобидан таъминлайди.

11-модда. Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати

Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати кўпи билан ўттиз кунни ташкил қилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити рухсатномада кўрсатилган муддатда тугалланиши лозим. Транзит рухсатномаси эгасининг асослантирилган илтимосномасига кўра рухсатноманинг амал қилиш муддати бир марта, кўпи билан ўттиз кунлик даврга узайтирилиши мумкин.

12-модда. Транспорт воситалари ўтадиган йўналишлар

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити транзит рухсатномасида белгиланган йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўниб ўтиш билан ва қўнмасдан амалга оширилиши мумкин. Транзит рухсатномаси ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий қўниши тўғрисидаги талабни назарда тутиши мумкин.

14-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига нисбатан қўйиладиган талаблар

Махсус юкларнинг транзити ўрамларда, транспорт воситаларида ёки контейнерларда божхона назорати остида амалга оширилади, бунда ўрамлар, транспорт воситалари ёки контейнерлар шундай ишланган ва жиҳозланган бўлиши керакки, токи уларнинг ичидаги ашёларни муҳрланган юк хонасидан, транспорт воситаси ёки контейнердан кўзга ташланадиган из қолдирмасдан ёки божхона таъминотларига шикаст етказмасдан чиқариб олиш ёхуд у ерга жойлаштириш мумкин бўлмасин.

Транзит тарзида ўтаётган ҳарбий таркиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий равишда чегара, божхона назоратидан ва назоратнинг бошқа турларидан ўтказилади.

Ҳарбий таркиб сафида транзит тарзида ўтаётган шахслар уларнинг кузатиб борилишини амалга оширувчи ёхуд уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишини бошқача тарзда назорат қилувчи ваколатли мансабдор шахсларнинг рухсатномаси асосида ва фақат махсус белгиланган тўхташ жойларида транспорт воситасини тарк этишга ҳақлидир.

Транзит тарзида ўтаётган махсус юкларга нисбатан шубҳа туғилган тақдирда, божхона органлари

11

2001 йил 29 июн

ЭЪЛОН!

соат 10.00 да

№ 801	Самарқанд-Пахтаобод	№ 905	Ҳазорасп-Тўрткўл
№ 806	Самарқанд-Қайташ	№ 913	Пангат-Тошкент
№ 829	Булунғур-Ўсмат	№ 915	Жўш-Арнасой
№ 882	Пахтакор-Нариманов	№ 918	Урганч-Тўрткўл
№ 885	Зарафшон-Ҳатирчи	№ 920	Қўшрабод-Рокоссовский
№ 886	Самарқанд-Ўсмат	№ 924	Ғузор-Денов

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва шаҳарлараро-вилоятлараро йўловчи ташиш автомобил транспортида ташишни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идораларо комиссия.**

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идораларо комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун *2001 йил 24 июн соат 18.00 дан* кечикмай талабнома беришлари лозим.

Идораларо комиссия тендер таклифларини *2001 йил 28 июн соат 18.00 гача* қабул қилади.

ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефон 41-14-19.

4259

Қўшхабар

Ёшлар маркази

Ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун шароит яратиш бугуннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Яқинда Ҳазорасп туманида очилган Ёшлар маркази ана шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу марказ туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман автокорхонаси жамоаси ҳомийлигида ташкил этилди.

Ёшлар марказида мулоқот зали, очиқ майдонча, маиший хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд. Марказ спорт анжомлари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерга келган ёшлар бўш вақтларини яхши ўтказадилар.

Психологлар кенгашдилар

Яқинда Урганч шаҳрида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари психологларининг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда психологик хизматнинг касб-ҳунар таълими тизимидаги ўрнига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, анжуманда Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи олий тоифали ўқитувчиси Ширинжон Тожиеванинг «Таълим-тарбиянинг психологик асослари» услубий қўлланмасининг тақдимоти бўлди. Ушбу услубий қўлланма ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар малакаларини ошириш жараёнларини янада такомиллаштириш асосида психологик хизматни ташкил қилиш муаммоларига бағишланган.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акмал Икромов тумани ҳалқа йўлидаги 5-саноат зонаси ҳудудида (18-автобус саройи ёнида) қурилиш материаллари билан савдо қиладиган янги катта,

ЗАМОНАВИЙ ЧАКАНА БОЗОР ОЧИЛДИ

Харидорлар бу ерда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан турли хил қурилиш материаллари

(ЦЕМЕНТ, МЕТАЛЛ ҚУВУРЛАР, ТАХТА, ШИФЕР, ҒИШТ, ДВП, ДСП, САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ ВА БОШҚАЛАР)

ва хонадонларни таъмирлаш учун зарур бўлган бошқа материалларни арзон нархларда харид қилишлари мумкин.

Муҳтарам харидорлар!

Бозорда сизларнинг хизматингизда умумий овқатланиш шохобчалари, автотўхташ жойлари, шунингдек харид қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Бозоримизга марҳамат қилинг!

ЦЕМЕНТ

Алоқа учун телефонлар: 185-85-73, 131-97-97. Бозор маъмурияти.

Диққат эълон!

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда мактабларда таълим олаётган ёшларимизнинг илм олишга, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишга кўмаклашиш ҳамда бўлажак касбларига йўналтириш, шунингдек, ўқувчи ёшларимизни Ўзбекистон Миллий университети фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР ҲАФТАЛИГИ»

тадбирини ўтказмоқда.

Тадбир Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида Тошкент шаҳри туманлари бўйича қуйида қайд этилган жадвал асосида бўлиб ўтади.

1.	Акмал Икромов тумани	30 май	соат 14.00да.
2.	Чилонзор тумани	30 май	соат 14.00да.
3.	Собир Раҳимов тумани	31 май	соат 14.00да.
4.	Шайхонтоҳур тумани	31 май	соат 14.00да.
5.	Ҳамза тумани	1 июн	соат 14.00да.
6.	Мирзо Улуғбек тумани	1 июн	соат 14.00да.
7.	Юнусобод тумани	4 июн	соат 14.00да.
8.	Яккасарой тумани	4 июн	соат 14.00да.
9.	Бектемир тумани	5 июн	соат 14.00да.
10.	Сирғали тумани	5 июн	соат 14.00да.
11.	Миробод тумани	5 июн	соат 14.00да.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, Ўзбекистон Миллий университети маданият саройи.

Телефонлар: 46-02-26, 46-02-25.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити пайтида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

махсус юклар — қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, хавфли юклар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши давлат назорати остида бўлган ашёлар;

талабнома берувчи — махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига рухсатнома олиш учун мурожаат этган шахс;

транзит — Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жўнатиш ва етиб бориш пунктлари жойлашган махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ваколатли органлар назорати остида барча турдаги транспортда ўтиши;

2

синнинг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита билан биргаликда бошқа ваколатли органлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Белгиланган йўналишлардан четга чиқишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг ҳаво транспорти орқали транзити

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг ҳаво транспорти орқали транзити белгиланган ҳаво йўллари (самовий оралиқлар) бўйича ушбу Қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг ҳаво транспорти орқали транзити:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

парвозларни бажариш учун белгиланган тартибда берилган махсус рухсатномалар;

транзит рухсатномалари асосида ҳамда уларда белгиланган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларни ташувчи ҳаво кемаларида парвозларни бажариш учун махсус рухсатномалар транзит рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг ҳаво транспорти орқали транзити Ўзбекистон Республи-

10

берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки у ваколат берган органга зарур ҳужжатлар илова қилинган тегишли ариза билан мурожаат қилади.

Транзит рухсатномасини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган кундан эътиборан ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади. Зарур ҳолларда мазкур муддат узайтирилиши мумкин.

Туркум қилиб юбориладиган махсус юкларнинг транзитига рухсатнома ҳар бир туркум учун алоҳида-алоҳида берилади.

Қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк ва хавфли юкларнинг транзитига енгиб бўлмас куч таъсир этган ва белгиланган жойга элтиб қўйишнинг имконияти бўлмаган тақдирда одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга ва Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплашга мўлжалланган суғурта ва бошқа молиявий кафолатлар, шунингдек ўзга мажбуриятлар талабнома берувчи томонидан тақдим этилган тақдирда рухсат этилади. Кўрсатиб ўтилган кафолатлар суғурта полиси, банк кафолати шаклида ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган бошқача шаклда бўлиши мумкин.

9-модда. Транзит рухсатномаси беришни рад этиш

Қуйидаги ҳолларда транзит рухсатномасини бериш рад этилади, агар:

қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк ва ҳарбий таркибларни ташиш ваколатли органлар билан олдиндан келишилган ташиш режаларида на-

7

даланилганда;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига тааллуқли ахборот халқаро ташкилотларга юборилганда, агар Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига шундай халқаро мажбурият олган бўлса.

Махсус юкнинг эгаси ҳамда ҳарбий таркибларнинг кимга тегишлилиги тўғрисидаги улар транзити билан боғлиқ ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ҳам ошкор қилиниши мумкин.

20-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 11 май.

15

амалда ўтказилаётган юкнинг транзит учун маълум қилинган юкка мувофиқлиги тўғрисида хулоса олиш мақсадида тегишли ваколатли органга мурожаат қилади.

Транзит тарзида ўтаётган махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг кузатиб борилишини ваколатли органлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда таъминлайди.

15-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг ноқонуний транзити

Транзит рухсатномасининг эгаси ёхуд у ваколат берган бошқа шахс махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг ноқонуний транзитини амалга оширган тақдирда, мазкур юклар ва таркибларнинг улар жўнатилган давлатга қайтарилиши унинг ҳисобидан амалга оширилади. Хавфли чиқиндиларни улар жўнатилган давлатга қайтаришнинг имкони бўлмаган тақдирда уларнинг экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда фойдаланилишини ёки зарарсизлантирилишини транзит рухсатномаси эгаси ёхуд у ваколат берган бошқа шахс ўз ҳисобидан таъминлайди ҳамда етказилган зарарни қоплайди.

16-модда. Махсус юкларнинг транзити пайтида уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш

Махсус юкларнинг транзити пайтида уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш божхона юк декларацияси, уларнинг транзит рухсатномалари, махсус юкларнинг келиб чиқиш сертификати ва божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қонун ҳуж-

12

ни назорат қилиш;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.

5-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити соҳасидаги бошқарув

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити соҳасидаги бошқарувни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у ваколат берган органлар амалга оширади.

6-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бошқарув органларининг махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

транзит рухсатномалари бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни бекор қилиш тартибини белгилайди;

транзити тақиқланган махсус юкларнинг, шунингдек транзити фақат рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириладиган махсус юкларнинг рўйхатларини тасдиқлайди;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити соҳасида бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, шунингдек ушбу Қонуннинг амалга оширилиши устидан назорат қилишни таъмин-

5

ниш воситалари, оммавий қирғин қуролини қўллаш оқибатларининг олдини олиш ва даволаш воситалари, фронт орқасида қўлланиладиган махсус ускуналар, ҳарбий кийим ва унга хос атрибутлар;

ҳарбий таркиб — хорижий давлатлар ҳарбий тузилмаларининг шахсий таркиби ва ҳарбий ходимлари, шунингдек шу давлатларда ҳарбий хизматга чақирилган ёки заҳирага бўшатилаётган шахслар.

3-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити устидан давлат назорати

Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити устидан давлат назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:

транзит рухсатномалари бериш;

транзит рухсатномасининг эгаси ёки у ваколат берган шахснинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши устидан назорат қилиш;

махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити пайтида қонун ҳужжатларида назарда тутилган хавфсизликни таъминлаш талабларига риоя этилиши

4

жатларига мувофиқ божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Сертификатнинг ёки ундаги маълумотларнинг, шу жумладан махсус юк чиқарилган мамлакат тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлигига шубҳа туғилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг божхона органи сертификат берган органларга ёки товар чиқарилган мамлакат сифатида кўрсатилган мамлакатнинг ваколатли ташкилотларига қўшимча ёки аниқлаштирувчи маълумотларни хабар қилишни сўраб мурожаат этиши мумкин.

17-модда. Махсус юкларнинг транзити пайтида уларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш

Махсус юкларнинг транзити пайтида уларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда у қўпорувчиликнинг ёки махсус юклар талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган ташкилий, муҳандислик-техникавий тадбирлар, давлат органлари воситалари ва ҳаракатлари йиғиндисидан иборат бўлади.

18-модда. Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини чеклаш

Қуйидагиларнинг:

ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган, уруш ёки қуролли тўқнашув хавфи мавжуд бўлган минтақаларга қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий мол-мулкнинг;

транзити Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига зид бўлган махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг;

13

Хушхабар

Тиббиётчиларга олтин медал

Бу гал ҳам самарқандлик талабалар Россиянинг самара шаҳридан қувонч билан қайтишди. Улар «Болалар даври жарроҳлиги ва анестезиологияреаниматологиясининг долзарб муаммолари»га бағишланган Бутунроссия илмий анжуманида битта биринчи, иккитадан — иккинчи ва учинчи даражали дипломларга сазовор бўлишди. Самарқанд болалар жарроҳлиги илмий маркази қошидаги талабалар илмий жамияти эса биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал ва биринчи даражали дипломни қўлга киритди.

— Талабаларимиз 15 йилдан буён ўтказилаётган бундай анжуманларда қатнашяптилар, — дейди марказ директори, профессор Азамат Шамсиев. — Улар деярли ҳар йили фахрли ўринларни эгаллашяпти. Бу йилги илмий анжуманда Россия, Белорусь, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистондан борган 40 дан зиёд тиббиёт институтлари вакиллари иштирок этишди. Очиғи, шогирдларим ўқиган илмий маърузалар ҳакамлар томонидан юқори баҳоланганда, залда Ўзбекистон номи жаранглаганда, қалбим ҳаприқиб кетди, кўзларимга севинч ёшлари қалқди.

Ҳа, бугун Самарқанддаги болалар жарроҳлиги илмий маркази мамлакатимиз тиббиёти учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб бераяпти. Ана шу ёшларнинг Ўзбекистон байроғини янада баланд кўтаришига шубҳа йўқ.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Касаба уюшмалар спорти

«Саломатлик» спартакиадаси самараси

Дартс деган спорт турини эшитганмисиз? Стритболничи? Эшитмаган бўлсангиз кўшнингиз ёки дўстингизникида кўргансиз. Деворга осиб қўйиладиган доира шаклидаги гиламчага маълум масофадан нина санчишни дартс дея аташади. Бу сўзнинг нима маъно англатишини билмадигу, лекин у спорт туридан кўра кўнгилочар машғулотга яқинлиги аниқ. Стритбол эса баскетболнинг бир тури. Бошқача айтганда, сиз билан биз болалигимизда қонун-қоидаларни писанд қилмасдан, фақат саватга тўп туширишга овора бўлганимиз спорт тури стритболдир. Чет элда уни кўча баскетболи деб ҳам юритишади.



Куни кеча Фарғонада ниҳоясига етган "Саломатлик" республика биринчи спартакиадаси иштирокчилари юқоридаги спорт турлари бўйича ҳам муросасиз беллашдилар. Дарвоқе, мазкур спартакиада ҳақида. У "Оналар ва болалар йили"га бағишлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси марказий кенгаши ҳамкорлигида илк бор ташкил этилди.

Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 500 га яқин спортчилар мини-футбол, тош кўтариш, енгил атлетика, стол тенниси ва оилавий мусобақалар бўйича совринли ўринлар учун курашдилар. "Нефтчи" спорт мажмуида бўлиб ўтган спартакиаданинг тантанали очилиш маросими эса турли тармоқларда меҳнат қилаётган касб эгаларининг ўзига хос байрамига айланиб кетди десак, муболаға бўлмас.

Уч кун давом этган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи ўринни эгаллашди. Кейинги поғоналарни эса Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти спортчилари банд қилишди.

Спартакиаданинг биринчи куни ушбу беллашувларнинг ташаббускори бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқарувининг навбатдаги йиғилиши ҳам Фарғонада бўлиб ўтди. Унда тармоқнинг вилоятлардаги раҳбарлари бугунги кун талабларини қандай бажариш борасида фикрлашиб олдилар.

Саломатлик — туман бойлик деймиз. Ана шу бойликни асраш эса ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Турли ёш ва касб эгаларини бирлаштирган "Саломатлик" спартакиадасининг аҳамиятини ҳам ана шу жиҳатдан баҳолаш мумкин. Зеро, иш жойига қайтиб борган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ошишига мазкур спартакиаданинг самараси тутки бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.
М. ҚОДИРОВ
олган суратлар.

«O`ZDAVKITOBSAVDOTA`MINOTI»OAJ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«O`ZDAVKITOBSAVDOTA`MINOTI» OAJ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2001 йил 29 июн куни 10.00да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, жамиятнинг кўргазмалар хонасида бошланади (3-қават).

ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛГАН:

1. *«O`ZDAVKITOBSAVDOTA`MINOTI» OAJ бош директорининг 2000 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи ва 2001 йил режасини тасдиқлаш.*
2. *«O`ZDAVKITOBSAVDOTA`MINOTI» OAJнинг аудитор текшируви ҳисоботини тасдиқлаш.*
3. *«O`ZDAVKITOBSAVDOTA`MINOTI» OAJ тафтиш ҳайъати ҳисоботини тасдиқлаш.*
4. *«O`ZDAVKITOBSAVDOTA`MINOTI» OAJнинг 2000 йил якуни бўйича фойдасини тақсимлаш.*

4269

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ҳукуматта қарашли бўлмаган «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» халқаро хайрия жамғармаси 2001 йилда «Она ва бола» йилига бағишлаб, «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» Давлат дастурлари орқали амалга оширилган тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва маънавий соғлом авлодни шакллантириш мавзусидаги энг яхши эшиттириш ва кўрсатувлар, матбуот материаллари бўйича

ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ.

Мазкур мавзу бўйича голиблар қуйидаги пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

- ✓ Биринчи ўрин учун 100 минг сўм.
- ✓ Иккинчи ўрин учун 75 минг сўм.
- ✓ Учинчи ўрин учун 50 минг сўм.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини мукофотлаш 2001 йил декабр ойида бўлиб ўтади.

Маълумот учун телефонлар: 132-00-82, 132-00-83, 133-89-49.

4268

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси марказнинг Андижон вилояти бўлими раҳбари А.Нурматовга онаси

Тожихон ая БОҚИБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари, умумий хирургия кафедраси жамоаси шу кафедранинг доценти, тиббиёт фанлари номзоди, институт касаба уюшма қўмитасининг раиси Ҳаммаджон Ходиевга онаси

Муборак ая ҲИДОЯТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси математика кафедрасининг мудири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Қумри Сафаевага қизи

НИГОРАХОНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2415. 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета ІВМ компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Д. Турғунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 20.30* 123456